

Саудияда Қуръон курслари давом этади



18:00 / 15.10.2021 1951

Саудия Арабистонининг Ислом ишлари, тарғибот ва раҳбарлик вазирлиги мамлакатдаги масжидларда ва аёллар марказларида Қуръон ўқиш ва ёдлаш курслари давом этишини айтди. Шунингдек, коронавирусни олдини олиш ва ижтимоий масофани сақлаш бўйича чоралар кўрилаётганини таъкидлади. Бу ҳақда Ал Беян сайти хабар берди.

Вазирликнинг твиттердаги расмий akkaунтида қуйидаги баёнотлар берилди: «Ислом ишлари вазири Абдул Латиф ал-Шайх вазирликнинг Саудия Арабистони ҳудудларидаги идораларига кўрсатма берди. Қуръони Каримни ёд олиш бўйича барча дарслар масжидларда ва махсус аёллар марказларида бошланади.

Шунингдек, бир вақтнинг ўзида профилактика чоралари ва ижтимоий масофани кузатиш ҳамда икки дозалик вакцинани қабул қилиш, дарсларга

қатнашиш учун Тевеккулна сайтида рўйхатдан ўтиш зарур».